

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МАҚСАДИ****Эсанбай Омонмуратович Бабаев***Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори***Усманов Хасан Солижон ўғли***Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби ишлаб чиқариш таълим устаси***Уринова Арофатхон Ойбек қизи***Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби махсус фан ўқитувчиси*

**Аннотация:** Маълумки профессионал таълим муассасаларида таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоси мамлакатимиз таълим тизимининг муҳим масаласи ҳисобланади. Зеро, Республикамиз тараққиёти ва иқтисодиётининг ривожланишида касб-хунар таълимининг аҳамияти жуда беқиёсдир. Касб хунар таълими иқтисодиётимизнинг ривожланаётган тармоқларини малакали матахассислар билан таъминлашда ўта муҳим вазифани бажаради. Албатта, ижтимоий ҳамкорликсиз, энг биринчи навбатда, иш берувчиларнинг ёрдамисиз бу масалани муваффақиятлихал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, профессионал таълим тизимида ижтимоий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш заруратдир.

**Таянч Сўзлар:** *Ижтимоий ҳамкорлик, меҳнат бозори, касб-хунар таълими, амалий изланишлар, корхоналар, таълим жараёни, моддий техника, ўқувчилар, педагоглар, иш берувчилар.*

Таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтири, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизни асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Таълимда ижтимоий ҳамкорликнинг асосий мақсади, бизнинг назаримизда, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга тез мослаша оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида фаол иштирок этиш.

Бизнинг касб хунар мактабимиз учун ижтимоий ҳамкорлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки у “Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик” лойиҳасига киритилган. Лойиҳанинг вазифаси унинг номиданоқ маълум бўлиб турибди, яъни касб-хунар таълими муассасалари билан корхоналар – иш берувчилар ўртасида самарали йўлга қўйиш, ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш ва уни қўллаб-қувватлаш, манфаатдор томонлар, шу жумладан, корхоналарнинг аниқ стратегикрежаларининг бажарилишига қўмаклашиши, маҳаллий шароитда касб-хунар таълимини яхшилаш жараёнида иштирок этишлари учун касб-хунар мактабларининг имкониятларини

ривожлантириш, ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда марказий ташкилотларга кўмак бериш ва бошқалар.

Гап шундаки, “Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик” лойиҳаси касб-хунар мактабининг бир неча етакчи корхоналар билан янги мулоқот ўрнатишга ўзига хос рағбат берди. Бундай мулоқотлар, ўзаро ҳамкорлик ва кўмаклашиш эса касб-хунар таълими муассасаларининг давлат томонидан молиялаштирилиши чекланган айни шароитларда ўта муҳим ҳисобланади.

Касб-хунар таълимида ижтимоий ҳамкорлик масаласи, энг, аввало, ҳудудларнинг ривожланиш стратегияси билан узвий боғлиқ. Ҳар бир ҳудуд (вилоят) ўзининг ишлаб чиқариш кучларини, ҳар бир тадбиркор эса ўзининг корхонасини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Ижтимоий ҳамкорликнинг моҳият-мазмуни касб-хунар таълимини, ва охир-оқибатда, ҳудуднинг иқтисодий ривожлантириш учун барча куч ва имкониятларни бирлаштиришдан иборат. Ҳудудлар саноати ва касб-хунар мактабини ягона тизим асосида ривожлантириш зарур. Маълумки, ҳудудлар иқтисодий ривожлантириш Олий таълим, фан ва инноватциялар вазирлигини вазифаси доирасига кирмайди, аммо улар кўпинча ижтимоий ҳамкорлар ташаббусларини Марказ ва ҳудудлар миқёсида мувофиқлаштирувчи сифатида намоён бўладилар. Масалан, ўқув дастури ва касб-хунар таълими характери қисман иш берувчиларнинг таклифига боғлиқ бўлади.

Худди шу ўринда ҳудудларда Олий таълим, фан ва инноватциялар бошқармалари мувофиқлаштирувчи вазифасини ўтайди.

Амалий изланишлар ва ҳаётий тажрибалар ижтимоий ҳамкорлик меъёрларининг умумий белгиларини аниқлаш имконини беради. Ижтимоий ҳамкорлик меъёрлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва корхоналар муносабатини мувофиқлаштиришга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса қайтар алоқага ва уларнинг иқтисодий самарадорлигига асосланган янги, очиқ ва шаффоф ҳамкорлик муносабатларини шакллантириш зарур. Гап шундаки, бундай муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Чунки ижтимоий ҳамкорлик бизнинг ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимимиз учун янгилик бўлиб, бу борада эндигина тажриба орттирмоқдамиз, унинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқишга амалда жорий этиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Ижтимоий ҳамкорлик йўналишлари

Биз корхоналарга қуйдаги йўналишларда ўзаро фойдали ҳамкорликни амалга оширишни таклиф этдик:

- ҳудудаги меҳнат бозорини таҳлил этиш;
- таълим жараёнини замонавий моддий-техник база билан таъминлаш;
- янги ўқув-услубий ва меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;

- педагогик кадрларни қайта тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини корхоналарда ошириш;
- корхоналарда ўқувчилар билан ишлаб чиқиш амалиётини сифатли ўтказиш ва малакали мутахассислар тайёрлаш;
- ижтимоий ҳамкорликнинг буюртмалари асосида кадрларни мақсадли тайёрлаш;
- касб-ҳунар мактаби таълим хизматини ташвиқот-тарғибот (реклама) қилиш;
- корхонанинг имкониятлари ҳақида ижтимоий фикрларни шакллантириш;
- касб-ҳунар мактаби битирувчилари шахсини моделлаштириш ва уларни ишга жойлаштириш.

Ижтимоий ҳамкорлик ва иш берувчилар

Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва битирувчиларни иш билан таъминлашда иш берувчиларнинг иштироки нималарда аниқ намоён бўлади?

Иш берувчилар соҳага оид имтиезлардан манфаатдор бўлиши керак. Кадрлар сифатини эса иш берувчилар касб-ҳунар мактаби битирувчиларини ишда жойлаштиришда синаб кўришлари мумкин. Албатта, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ишини улар таълим муассасасининг ўзидаёқ бошлаши лозим. Ҳар қандай иш берувчи имкони борича фақат малакали кадрларни ишга олишга ҳаракат қилади. Биринчидан, бу уларга хотиржамлик бағишлайди, иккинчидан, фойда олишга имкон беради. Иш берувчилар муҳандис-педагогларни (ишлаб чиқариш таълими усталарини) тайёрлашда ҳам иштирок этишлари мумкин. Чунки саводхон муҳандис-педагог касб-ҳунар таълимининг зарурий ташкилий қисми ҳисобланади. Амалиётда “ишлаб чиқариш таълими устаси ўзинга шогирд тайёрлаб етиштир!” шиори жорий этилиши керак. Кадрлар тайёрлаш сифатининг яна бир ташкил этувчиси бу – касб-ҳунар таълимининг моддий-техник таъминоти. Бундан ташқари, кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар мактабига қабул қилинадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг ҳам аҳамияти беқиёс.

Ижтимоий ҳамкорликда касб-ҳунар мактаби ва иш берувчилар учун нима энг муҳим масала ҳисобланади?

Меҳнат бозорини таҳлил этишга янгича ёндашув. Ижтимоий ҳамкорларни гуруҳларга ажратиш (ишчи ходимлари юздан ортиқ, эллиқдан ортиқ ва ўттиздан ортиқ корхоналар).

Умуман биз меҳнат бозорини мунтазам таҳлил этиб бормоқдамиз. Меҳнат бўлимлари томонидан берилган бўш иш ўринлари, вакансия ҳақидаги, шунингдек, Оқолтин туманининг ривожланиши истиқболлари тўғрисидаги маълумотларини ўрганимиз. Маълумотларга асосланиб, фаолият йўналиши касб-ҳунар мактабларида тайёрлов йўналишларига мос корхоналар сонини ўсиши, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ривожланиши истиқбол режасига кўра яқин келажакда қайси соҳаларининг ривожланиши аниқланди.

Бу эса касб-хунар мактабимиз зиммасига соҳалар бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифасини юклайди.

Ташқи муҳит таҳлили ўтказилиб, малакага бўлган талаб ўрганилади. Бундан мақсад меҳнат бозоридаги аҳолини билиш, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш, шунингдек, касблар бўйича малакавий талаб тузилмаси тўғрисидаги статистик ва таҳлилий муълумотларни ўрганишдан иборат. Ташқи муҳит таҳлилинини ўтказишда қуйидаги маълумотлар ўрганилди.

- Меҳнат бозорининг жорий ва кутилаётган кўлами;

-Муҳнат бозорида тахминий талаб этиладигна малакалар

-Худуддаги ёшларнинг жорий вақтдаги ва келгусидаги кутилаётган сони, шунингдек, тармоқлар, корхона ва касблар бўйича бўш иш ўринлар сони.Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, келгусида бир неча йиллар мобойнида асосий ривожланиш иқтисодиётнинг энгил саноат ва қишлоқ хужалиги махсулотларини қайта ишлаб чиқариш транспорт ва алоқа тармоқларида рўй бериши кутилмоқда. Шунинг учун касб-хунар мактабимиз ўқувчиларини қабул қилиш сонини ўзгаришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Касб-хунар мактабимиз имконияти ва унинг ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллар мунтазам ўрганилади. Демак ижтимоий ҳамкорликни замонавий тизилмаси асосида мактабимиз, қолаверса корхоналар янгича визиятда иш юритиши керак. Амалий ўқитиш ва маҳаллий корхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш барча мактаблар учун асосий мақсад ҳисобланади. Ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакиллантириш мақсадида мактабларда амалий машғулотларни ўқитишни биринчи йилдаёқ бошлашади.Бу эса ўқувчиларга керакли иш тажрибасини ўргатиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда таълим тўғрисидаги қонунни амалган оширишда ижтимоий ҳамкорликнинг самараси кўпроқ бўлади. Мактабни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, таълим тармоқ стандартлари, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, педагоглар салоҳиятини кучайтириш, чет эл тажрибаларини ўрганиш касб-хунар мактаби фаолиятини ривожлантиришга замин бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик Тошкент 2021

2.Х.О.Юлдошев касб-хунар таълими (илмий-услубий) журнили 2004

Интернет сайти.

3.[www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)